Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 17 (3518)
ЖУМА
20 ЯНВАРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Нидерландия Коммунистик партияси XXVI съездига табриги эълон қилинган.

● КПСС Марказий Комитетида марказий газеталар, журналлар, нашриётлар, телевидение ва радиоэшиттириш, информация агентликлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубини тушунтириш, уларни амалга оширишни ташкил этиш соҳасида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ—БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЙИЛИГА

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ РАЙОНЛАРИ 1978 ЙИЛ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШМОҚДА

Тошкентликлар КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқидан келиб чиқувчи қоида ва хулосаларга амал қилиб беш йилликнинг учинчи йилига янги мақсадларни белгилашмоқда. Шу кунларда Ўзбекистон пойтахтининг барча районларида бўлиб ўтаётган партия-хўжалик активи йиғилишларида 1978 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинмоқда. Тошкент меҳнаткашлари юбилей йилининг суръатли ва меҳнат кўтаринкилигини мустаҳкамлашга интилиб, меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга, хом ашё ва энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишга эътиборни кучайтириб янги, янада юксак марраларни белгилашмоқда.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

Чилонзор районида партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда райондаги саноат, транспорт, қурилиш, алоқа корхоналарининг, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларининг 1977 йилги фаолиятига якун ясалди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубидан келиб чиқиб социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Чилонзор район партия комитетининг иккинчи секретари П. Шермуҳамедов доклад қилди. Активда сўзга чиққан ишчилар, корхона ва ташкилотларнинг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш, самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубидан келиб чиқиб социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Йиғилиш ишида 1978 йилда чилонзорликлар билан меҳнат беллашувини давом эттиришга ахд қилган Октябрь район меҳнат коллективларининг вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда Октябрь район партия комитетининг иккинчи секретари А. Викторов сўзга чиқди. Чилонзор ва Октябрь районлари меҳнаткашлари ўртоқлашдилар. 1978 йил планлари ва социалистик мажбуриятлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш ишида 1978 йилда чилонзорликлар билан меҳнат беллашувини давом эттиришга ахд қилган Октябрь район меҳнат коллективларининг вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этди.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

Бу ерда район партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1977 йилги иш якунлари ва партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларидан. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари Х. Тошхўжаев доклад қилди. Йиғилишда сўзга чиққан «Жилстрой» трестининг бошқарувчиси А. Кашипов, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат фахрийси В. Казакова, «Средазгидроцелинстрой» партия ташкилотининг секретари Н. Гулейко ва бошқалар беш йилликнинг иккинчи йилидаги иш якунлари, 1978 йилги план ва социалистик мажбуриятлар ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш ишида Чилонзор район меҳнаткашларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Беш йилликнинг учинчи йилида ҳам октябрликлар Чилонзор район билан меҳнат беллашувини давом эттирадилар. Йиғилишда Ўзбекистон КП Чилонзор район комитетининг иккинчи секретари П. Шермуҳамедов сўзга чиқди.

Октябрь район меҳнат коллективларининг 1978 йил учун социалистик мажбуриятлари қабул қилинди. Беш йилликнинг учинчи йили халқ хўжалиги планини 20 декабргача бажаришга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсишининг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришишга қарор қилинди.

ТОПШИРИҚЛАР—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИКУВЧИЛИК БИРЛАШМАСИНИНГ 1978 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмасининг коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани янада авж олдириш тўғрисида партия, совет, хўжалик касаба союз, комсомол ташкилотларига, Совет Иттифоқи меҳнаткашларига йўллаган Мактубига жавобан, халқ учун керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшишга интилиб, оширилган социалистик мажбурият қабул қилди:

— 1978 йил планини муддатидан илгари, 21 декабрда бажарамиз ва пландан ташқари 2 миллион сўмлик кийим-кечакни реализация қиламиз.

— Меҳнат унумдорлигини план топшириғига қўшимча равишда 1 процент оширамиз.

— Пландан ташқари 150 минг сўмлик фойда оламиз.

— Кийим-кечакларнинг 19 моделини давлат Сифат белгисини олиш учун аттестацияга тақдим этамиз.

— Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғини маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига нисбатан 33 процентга етказамиз.

— 70 минг сўмлик 10 минг квадрат метрли хом ашё материалларини тежаймиз.

— 400 ишчининг малакасини оширамиз.

Бу мажбурият бирлашмадаги ишлаб чиқариш коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Ленин номли яхта буюртмалари тикиш фабрикасида ўз касбининг моҳир устаси бўлган кўпгина чеварлар меҳнат қилишади.

СУРАТДА: корхона 3-ишлаб чиқариш цехининг пешқадам тикувчиларидан (чапдан-ўнгга) Фая Ганапольская билан Татьяна Пинхасова. Бу чевар тикувчилар смена топшириқларини юқори сифат билан 120—130 процент адо этадилар.

М. Нуриддинов фотоси.

Бутун кучимизни сарфлаб, астойдил меҳнат қиламиз

Тошкентдаги электрон техника заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари янги йилни яхши кайфият билан бошладилар. Улар беш йиллик бошидан буён социалистик мусобақада олға томон каттагина қадам қўйдилар. Ишлаб чиқариш ҳажми 40 процентдан зиёд кўпайди. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Республикадаги илғор корхонанинг ишчилари социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, меҳнат шавкати ва қахрамонлиги намунасини кўрсатиб, янги-янги резервларни ишга солмоқдалар. «Бугун кечагидан яхшироқ, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлаймиз». — Мана шу сўзлар уларнинг шиоридир.

19 январь куни бўлиб ўтган умумзавод митингида гап КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубига қандай қилиб яхшироқ жавоб бериш ҳақида борди. Митинг қатнашчилари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини янада ошириш йўллари тўғрисида зўр манфаатдорлик ва ишчанлик билан гапирдилар.

— Бизнинг энг муҳим резервимиз социалистик мусобақани тобора аниқроқ ташкил этишдадир, — деди митингда созловчи А. М. Муҳамедов. — КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби барча совет меҳнаткашларининг фикр-зикрини ифода этди. Бутун кучимизни сарфлаб астойдил ишлаймиз, барча илғор тажриба ва янгиликларни сабот билан ўзлаштириб, ижодий қўлланаверамиз.

Токарь Д. И. Минеева, йигирмачи Т. Чупахина, корхона раҳбари В. Г. Мушкарев ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубнинг зўр ташкилотчилик ва сафарбар қилувчилик аҳамияти ҳақида гапирдилар. Бу Мактуб барча меҳнатчилар учун жанговар программадир. Нотиқлар шуни таъкидладиларки, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш, беш йиллик учинчи йилининг масъулиятли вазифаларини муваффақиятли бажариш қозирги вақтдаги энг асосий, биринчи навбатдаги вазифадир. Беш йиллик учинчи йили вазифалари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқида, СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси қарорларида аниқ белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажариш ҳар бир ишлаб чиқариш коллективидан куч, билим, ғайрат ва маҳоратни тўла-тўкис сафарбар қилишни, меҳнат ғайрати ва сиёсий активликни янада оширишни тақозо этади.

Ўрнак олиб, уларга тенглашишга интилаётган кишиларнинг номлари митинг минбарида тилга олинди. Созловчи Шуҳрат Эрматов, йигирмачи Татьяна Барабанова, синовчи Раҳима Абдусатторова, токарь Александр Вдовин, фрезерчи Эдуард Прудченко ва мусобақанинг бошқа пешқадамлари шулар жумласидандир. Қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг тақдири учун, беш йиллик топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши учун масъулиятни юксак даражада ҳис этиш уларнинг ўзига хос фазилатларидир. Юзлаб ишчилар уларга тенглашиб беш йилликнинг уч йили планини муддатидан илгари — СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажариш мажбуриятини олдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов митингда нутқ сўзлади.

У КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби гоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу Мактубни мамлакатнинг барча меҳнаткашлари қизғин маъқуллаб, яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Республика меҳнаткашлари Мактубга жавобан москваликлар билан ленинградликлардан ўрнак олиб, социалистик мусобақани тобора кенг авж олдирмоқдалар, беш йиллик учинчи йилида янада юксакроқ марраларни эгаллашга интилмоқдалар. Ш. Р. Рашидов ишонч билдириб айтдики, завод коллективи бундан буён ҳам мусобақадошларнинг биринчи сафларида боради, ўзининг социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишга ўз куч-ғайратларини тиркмоқдалар.

Ливия, Сурия, Яман Халқ Демократик Республикаси, Ирок, Жазоир ва Фаластин озодлик ташкилоти раҳбарларининг бултур декабрь ойида Триполида бўлиб ўтган кенгаши қарорларида шу йўл аниқ изоҳ этилди. Ливия билан Сурия Араб Республикалари федерациясини қайта тузиб, ундан Мисрни чиқариб юборишга қарор бердилар. Жазоирда яқин вақт ичида мазкур араб давлатлари ва Фаластин озодлик ташкилотининг яна бир кенгашини ўтқазиб, Яқин Шарқ проблемасини сепарат тарзда ҳал этишга қарши ҳаракат қилиш учун конкрет тадбирларни муҳокама қилиш ва белгилаб олиш кўзда тутилмоқда.

Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчлик учун, бу райондаги можароно марказий манфаатдор томонларнинг истакларини ҳисобга олиб бартараф қилиш учун кураш давом этмоқда.

В. СЕРОВ.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА СУҲБАТ

ИСРОИЛ: МУСТАМЛАКАЧИЛИК ЙЎЛИ

Исроил ҳукумати Исроил томонидан босиб олинган Синай ярим оролидаги ҳарбийлаштирилган яҳудий манзилгоҳларини мустаҳкамлашга қарор қилди. Исроил бош министри Бегиннинг айтишича, Тель-Авив босиб олинган территорияларда барпо этилган манзилгоҳлардан лоақал биттасини ҳам тугатишга ҳеч қачон рози бўлмайди ва бу манзилгоҳларни ҳарбий ҳимоясиз қолдирмайди. Шу мақсадда Синайда Исроилнинг «хавфсизлик қўшинлари» жойлаштириладиган бўлди. Яқинда ҳукумат босиб олинган ерларни «ўзлаштириш»ни давом эттириш учун қўшимча равишда бир неча миллион маблағ ажратди.

Бу тадбирлар ҳозир Тель-Авивда ишбошилик қилаётган кўзғунлар Исроил 1967 йилда араблардан тортиб олган ерларни аннексия қилиб, мустамлакага айлантириш йўлини давом эттиришга ахд қилганликларидан далолат беради. Кейинги ўн йил ичида бу ерларда 80 дан ортиқ ҳарбийлаштирилган манзилгоҳ барпо этилди, уларга минглаб исроилликлар ғайриқонуний равишда кўчиб келди. Исроил босқинчилари Синайдаги, Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги ва Ғазо секторидаги ерларни мустамлакага айлантириб, арабларни иссиқ ўринларидан ҳайдаб юбормоқдалар, уларнинг уйларини бульдозер билан бузиб ташлаб, бошқа жойларга кўчирмоқдалар. Ўз уйларидан маҳрум қилинган юз минглаб араблар, жумладан фаластинликлар ҳозир қўшни араб давлатларида қувғинликда яшаб, беҳад маҳрумлик ва азоб-уқубатларни бошдан кечирмоқдалар.

Бошқа араб давлатларининг манфаатларига хилоф равишда Тель-Авив билан сепарат битим тузиш йўлига ўтиб олган Миср президенти Садат арабларга дунёсидаги кенг қаҳр-ғазабга дуч келгач, мен Вашингтон ёрдамида Исроил ҳукмдорларини босиб олинган ҳамма ерларидан чиқиб кетишга ва бу ерларда исроилликлар барпо этган манзилгоҳлар ва ҳарбий базаларни тугатишга муваффақ бўламан, деб ишонтирди. Қоҳира Исроил гражданлари ёки қўшинларининг Синай ярим оролида туришига «тоқат қилмайди», деди Садат.

Бироқ, Садатнинг умидлари пуч эканлигини ҳаёт кўрсатди. Сепарат битимнинг йўл-йўриқлари Қоҳирада эмас, балки Тель-Авив ва Вашингтонда ёзилмоқда. Садатнинг Вашингтон Исроил ҳукмдорларига тазйиқ ўтказади ва уларни катта ён беришларга мажбур этади, деган умидлари ҳам хаёл бўлиб чиқди. Модомики, Исроил Америка империализмининг Яқин Шарқдаги плацдарми эканлиги, дунёнинг шу районидаги антиимпериалистик кучларга ва тараққийпарвар режимларга қарши курашда унинг асосий таянчи эканлиги маълум бўлгач, бунга умид боғлаб бўлармиди.

Тель-Авив бирон-бир каттароқ ён беришга мойил эмаслиги тез орада маълум бўлиб қолди. «Бегин плани» деб аталган ва, чамаси, Исроил бош министри Вашингтонда илгарироқ келишиб олган план «Исроилнинг араб ерларини босиб олишини абадийлаштириш ва қонунлаштириш йўлидаги бир уриниш»дан иборат эди, деб ёзди Иордания матбуоти.

Дарҳақиқат, бу план Исроил қўшинларини босиб олинган ҳамма ерлардан олиб чиқиб кетиш ўрнига уларни Синай ярим оролининг атиги бир қисмидан чекинтиришни ва айни маҳалда шу ердаги ҳарбийлаштирилган манзилгоҳларни сақлаб қолишни кўзда тутади. Бегиннинг Миср ва Тегишли бўлган Синайдаги нефть ресурсларидан «биргаликда фойдаланиш» тўғрисидаги таклифи ҳам жуда ғалатидир. Мустақил Фаластин давлатини ташкил этиш ўрнига бу план фаластинлик араб халқи учун бор-йўғи қандайдир «ярим автоном статус»ни беришнигина назарда тутади. Бу эса амалда Иордан дарёсининг ғарбий соҳилини Исроил оккупация қилиб тураверишини билдириши мумкин.

Тель-Авив қўзғунларининг бу плани арабларга дунёсидаги тараққийпарвар, озодлик кучлари учунгина эмас, шу райондаги мўътадил давлатлар деб аталган кўпчилик давлатлар учун ҳам мутлақо номақбул бўлиб чиққанлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Ҳатто Саудия Арабистони ҳам унн ошкора қўллаб-қувватлашга ботинмади. Дарвоқе, Мисрнинг ўзида ҳам Қоҳиранинг Тель-Авив билан сепарат битим тузиш ниятига қаршилик кучаймоқда. Матбуотнинг далолат беришича, Миср ҳарбий доираларида норозилик кўтарилмоқда. Миллий-тараққийпарвар партия эса Садатнинг сиёсатини ошкора қораламоқда, бу сиёсат арабларнинг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш йўлидаги курашга путур етказаётганлигини айтмоқда.

Ана шундай шароитда араблар дунёсидаги тараққийпарвар режимлар, барча ватанпарвар кучлар сепарат битим тузишдан иборат тасаллимчилик сиёсатига қарши курашда ўз кучгайратларини тиркмоқдалар. Ливия, Сурия, Яман Халқ Демократик Республикаси, Ирок, Жазоир ва Фаластин озодлик ташкилоти раҳбарларининг бултур декабрь ойида Триполида бўлиб ўтган кенгаши қарорларида шу йўл аниқ изоҳ этилди. Ливия билан Сурия Араб Республикалари федерациясини қайта тузиб, ундан Мисрни чиқариб юборишга қарор бердилар. Жазоирда яқин вақт ичида мазкур араб давлатлари ва Фаластин озодлик ташкилотининг яна бир кенгашини ўтқазиб, Яқин Шарқ проблемасини сепарат тарзда ҳал этишга қарши ҳаракат қилиш учун конкрет тадбирларни муҳокама қилиш ва белгилаб олиш кўзда тутилмоқда.

Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчлик учун, бу райондаги можароно марказий манфаатдор томонларнинг истакларини ҳисобга олиб бартараф қилиш учун кураш давом этмоқда.

В. СЕРОВ.

• *Шаҳар—қишлоққа* •

ТРАКТОРСОЗЛАР ҲИММАТИ

Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ Тошкент трактор заводида янги марралар сари мусобақа қизғин тус олди. Бу борада прицеп бунёдкорлари мўлжални аниқ олиб, ғайрат камарини янада тортиброқ боғладилар. Бу йилги марра—пахтакорларга 38.000 та «2ПТС—4—793» маркали прицеп етказиб беришдир.

1977 йилда прицепсозлар вазифаларини шараф билан адо этдилар. 37500 ўрнига 37595 та тележка деҳқонларга тақдим этилди. Бу ўринда завод прицеп ишлаб чиқариш корпусига қарашли 1, 2, 15-цех коллективларининг қилган меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Айниқса, 15-пайвандлаш-пресслаш цехининг ишчилари социалистик мусобақада етакчилик қилиб, маррага барвақт етиб келдилар. Бу ўринда цех пайвандчиларининг ҳам ҳиссаси катта. Масалан, В. Титов, Н. Иванова, М. Кашапов бошчилик қилаётган пайвандчилар шу кунларда бригадалари ишни уюшқоқлик билан ташкил қилишиб, ҳар сменада графикдаги 75—80 та ўрнига 100—110 тадан прицеп бортн тайёрлаб, конвейерларга узлуксиз етказиб бериб турибдилар. Бу меҳнат коллективларининг бу йилги марраларни янада улкан: йиллик топшириқни СССР Конституциясининг бир йиллиги нишонланадиган кунга қадар адо этишдир.

И. КЎЗИЕВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Тошкент тўқимачилик комбинатида смена алмашиш вақтида тўқимачилар СССР халқ артисти, Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик катта театрининг раққосаси Бернора Қориевани кутиб олдилар. Ишчиларнинг машҳур санъаткор билан учрашуви ажойиб маданий тадбирга айланиб кетди. Таниқли раққоса ишчиларга ўзининг ижодий йўли ва келгусидаги режалари ҳақида гапириб берди. Шундан кейин у театр репертуаридаги «Жизель», «Шопениана», «Хоним ва безори» балетларидан парчалар намойиш қилди. Бундан ташқари раққосанинг шогирдлари, область комсомол комитети мукофотининг лауреатлари Р. Каримова ва А. Кудилинлар ҳам қатнашдилар ва «Севги водийсида» балетидан парчалар кўрсатишди.

Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида Совет Армияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги олдидан граждандлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг санъаткорлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Бу ерга Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишда актив қатнашган нуронийлар, собиқ жангчилар тўпландилар. 1918 йилдан КПСС аъзоси Р. Холмуҳамедов аёнгали йилларнинг жасорати ҳақида гапирди ва учрашувга келган атоқли санъаткорларни жанговарлик юбилейи билан муборакбод этди.

Учрашувда СССР халқ артистлари Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Тургунбоева, Саодат Қобулова, Ўзбекистон халқ артистлари Эргаш Ғ. Ғолдошев, Ғанижон Тошматов ва бошқалар қатнашдилар.

М. Тошмуҳамедов номли Тошкент грампластинкалар заводининг коллективи мамлакатимиз ва чет эл артистларининг ижросида ёзиб олинган янги музика кўшиқлари туширилган грампластинкаларнинг дастлабки янги тиркимини тингловчилар диққатига ҳавола қилди. Эстрада санъатининг ихлосмандлари Мирей Матье, Рафаэль, Валентина Толкунова, «Ариель» вокал-чолғу ансамблининг ижросида ёзилган дисклари олдилар.

«Маҳбаб, талантлар» тўпламининг 12-сони миллий музика ихлосмандларининг кўлига бориб тегади. Бу тўпламдан Камолиддин Раҳимов ва таниқли санъаткори Муродулло Норқуловнинг кўшиқлари ўрин олган.

Болалар учун 200 га яқин номда грампластинкалар тайёрланмоқда. Уларда мультипликацион фильмлардаги кўшиқлар билан бирга немис тилида ижро этилган қувноқ ашулалар бор.

Корхона коллективи шу йилнинг биринчи кварталида ҳаммаси бўлиб 600 номда янги пластинкалар чиқаради. Уларнинг умумий тиражи 5 миллион нусхани ташкил этади.

Бугун

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида шаҳардаги ҳунар-техника билим юртларининг ёшлари учун ленинча ўқишлари бошланди. Улар «Ульяновлар оиласи — революционерлар оиласи» деган мавзуда лекция тингладилар. Бундан ташқари ўсмирларга СССРнинг янги Конституцияси тўғрисида ҳикоя қилиб берилди. «Ленин ва Туркистон», «РСДРПнинг биринчи съезди тўғрисида» сингари ҳужжатли фильмларни кўрдилар, музей заллари бўйлаб экскурсия қилдилар. Бу суҳбатларни филиалнинг лекторлари К. Ризаева, К. Иноятов, Р. Расулов, Т. Александровалар олиб боришди.

1978 йил учун мўлжалланган бундай суҳбатлар цикли ниҳоясида шаҳар ҳунар-техника билим юртлари бошқармаси ўқувчиларни ишчилар синфи сафига кузатишга бағишлаб, — тантанали маросим ўтказади.

Охунбобоев номли маданият уйининг драма коллективи саҳналаштиришга киришган янги спектакль «Суд давом этади» деб аталади. Пьесанинг автори— Татаристон драматурги К. Амиров совет чекистларининг дастлабки йилларда олиб борган ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу спектакль шу йилнинг март ойида бўладиган халқ театрлари республика кўригида ҳам намойиш этилади.

«Спутник» халқаро ёшлар туризми Ўзбекистон бўлимининг йўлланмаси билан қахрамон шаҳар— Ленинградга сафар қилган республикамизнинг ёш ишлаб чиқарши илғорлари, ўқув юртларининг ўқувчилари Тошкентга қайтиб келдилар. Улар Улуғ Октябрь революциясининг бошланганлигидан дарак берган «Аврора» крейсерида оммавий равишда фахрий суратга тушдилар.

Туризм бўлими бундан ташқари республикамизнинг ёш вакилларини Польша ва Венгрияга икки ҳафталик сафарга йўлланмалар беради.

Тракторсозлар шаҳарчасида яқинда ишга тушган электр-хўжалик буюмлари магазинида.

М. Нуриддинов фотоси.

Эртага

Шастри номли 24-ўрта мактабда советҳинд дўстлиги кунлари бошланади. Бу маданий тадбирда Ҳиндистон республикаси бўйлаб ўтказилган гастролдан қайтиб келган республика қўғирчоқ театри коллективи қатнашади. Театр артистлари ўқувчиларга бу дўстлик сафаридан олган таассуротларини гапириб берадилар ва «Қачал-полвон» спектаклини кўрсатадилар.

Тошкентдаги актёрлар уйида ўтказиладиган «Ҳаёт ва санъат» журналининг навбатдаги сонида пойтахтдаги театрларнинг артистлари қатнашадилар. Журнал саҳифаларида пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин ҳақидаги спектакллардан парчалар ҳам кўрсатилади.

• *Конституцияда гарантияланган*

ФАХРЛИ ҲУҚУҚ

СССР Конституциясининг 45-моддасида «СССР граждаилари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ илм олишнинг ҳамма турлари текинлиги, ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим бериш амалга оширилиши, ўқитишни ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан боғлаш асосида ҳунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълимни кенг ривожлантириш билан; сиртқи ва кечки таълимни ривожлантириш билан; ўқувчиларга ва студентларга давлат стипендиялари ва имтиёзлар билан; мактаб дарсликларини текин бериш билан; мактабда она тилида ўқитиш имкониятини яратиб бериш билан; мустақил билим олиш учун шароит яратиб бериш билан таъминланади», дейилган.

Совет кишиларининг бу ҳуқуқи энг фахрли ҳуқуқлардан бири бўлиб, у ёш авлодни ҳар томонлама гармоник ривожланиши учун ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган муҳим шарт-шароитларни ўзида мужассамлантиради. Бундай ғамхўрликларни ўтган йили пойтахтимизда ташкил этилган янги Акмал Икромов райони мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозир 25 та умумтаълим мактаблари, иккита болалар спорт мактаби, иккита музика мактаби ҳамда тўртта кечки ишчи-ёшлар мактаблари районимиз ёшлари хизматида. Уларда жами 43 мингдан кўпроқ ўқувчи таълим олмоқда. Райондаги мавжуд 41 та болалар боғчасида эса тошкентликларнинг 14 минг фарзандлари тарбияланяпти.

Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим-тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида» қабул қилган қарори партия ва ҳукуматимиз совет кишилари фарзандлари учун кўрсатаётган катта ғамхўрликларининг яна бир ёркин ифодасидир. Ана шу қарорга кўра умум таълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлардан текин фойдаланишга ўтиши ҳам кўзда тутилган. Бундай ғамхўрлик коммунизм сари бораётган бизнинг мамлакатимиздагина бўлиши мумкин. Айни пайтда, бу қарор умумий таълим мактаблари ишини янада ривожлантиришда, ёш авлодга таълим-тарбия бериш савиясини ҳозирги кун талаблари даражасига кўтаришда педагогик коллективлар олдига муҳим вазифалар қўйди. Биз халқ маорифи ходимлари олдидаги муҳим вазифалар унда конкрет белгилаб берилди.

Шу билан бирга барча умум таълим мактаблари фаолиятидаги нуқсонлар ҳам бу қарорда кўрсатиб ўтилган. Жумладан, мактабларни битириб чиқаётган ёшларнинг меҳнатга, катта ҳаётга тайёр эмаслиги, асосий оммавий касблар бўйича етарли тасаввурлари йўқлиги уларнинг халқ хўжалигида ишлашда қийинчиликларга дуч келишига олиб келинаётганлиги ҳам оқилона кўрсатиб ўтилди. Бутун мамлакатимизда бўлгани сингари бизнинг районимизда ҳам ана шу қарорни ҳаётга тадбиқ этиш учун конкрет тадбирлар амалга оширилмоқда. Умум таълим мактабларида меҳнат таълими ва тарбиясини ҳар томонлама такомиллаштириш йўллари қўлланa бошланади. Мактабда дарсликлардан текин фойдаланишнинг жорий этилиши эса умумий мажбурий ўрта таълимни амалга ошириш учун шарт-шароитларни яхшилашга, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни такомиллаштиришга кўмаклашади.

Шу кунларда районимиз мактабларида бўлиб ўтаётган педагогика советларида партия ва ҳукуматимизнинг бу муҳим қарори ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқилмоқда ва маъқулланмоқда. Шаҳримизнинг кенжа райони халқ маорифи ходимлари ҳукуматимизнинг совет кишилари учун кўрсатаётган ғамхўрликларидан илҳомланиб, ёш авлоднинг улуғ давримиз талаблари даражасида тарбиялаш учун бутун куч ғайратларини ишга соладилар.

А. ИУЛЧИЕВ,
Акмал Икромов район халқ маорифи бўлимининг мудири.





• *Кардошлик қонуни билан*

ДЎСТЛИК РАМЗИ

Шаҳримиздаги «Средазгипровод хлопок» ва «Средазгипроцелинстрой» институтларининг Иваново области объектлари бўлимининг архитектор ва инженер ходимлари Иваново областидаги ноқоратупроқ ерда қуриладиган «Дўстлик» ҳамда «Ўзбекистон» совхозларининг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу иккала совхозда, ҳам қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотларини етиштирилади.

«Средазгипроводхлопок» институтининг ходимлари бу совхозлардаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳасини ҳам тузиб беришди. «Средазгипроцелинстрой» институтининг ходимлари эса совхозлардаги марказий турар жойлар, маданий-маиший бинолар, савдо марказларининг лойиҳасини яратишди.

— Ивановода ишлаётган ўзбекистонлик қурувчилар ўнинчи беш йилликда 100 миллион сўмлик иш бажаришлари керак.— дейди мелиорация ишлари объектлари бўлимининг бошлиғи Валерий Семенович Андрейко.— Шу кунларда «Ўзбекистон» совхозининг марказий қисми қурилмоқда. 530 гектар ер баҳорги экишга тайёрлаб қўйилди. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 3000 гектар кўриқ ер ўзлаштирилиши керак.

—«Дўстлик» совхозида қурилиш ишлари энди бошланган. Совхозда турар жой бинолари қуриш билан бирга 2000 гектар ерни сугора оладиган сув омбори ҳам бунёд этилмоқда. Ўзбек қурувчилари бу ердан ташқари Приволжск, Шуя, Иваново, Родники, Комсомольск шаҳарларида ҳам турли қурилиш-монтаж ишларини олиб боришмоқда.

«Дўстлик» совхозида 1370 нафар аҳолига мўлжалланган турар жой комплекслари қурилади. Лойиҳага кўра посёлкадаги асосий рельеф сақлаб қолинади ва у ерларга 4 қаватли турар жойлар барпо этилади. Совхозда кўплаб маданий-маиший бинолар, болалар боғчалари, умумий таълим мактаблари кўрилади. Бу ердан ташқари ошхона, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, меҳмонхона, дорихона бинолари бўлади. Объектни бунёд этишда ишлатиладиган барча бинокорлик материаллари Ўзбекистондан олиб борилади.

Ўзбек ва рус халқи ўртасидаги бузилмас дўстликнинг рамзи бўлган яна бир объект —«Дўстлик» совхозида 300 ўринли маданият саройи, савдо маркази, маиший хизмат кўрсатиш комплекси, ошхона, меҳмонхона каби объектлар бунёд этиш кўзда тутилган.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.
СУРАТДА: «Средазгипроцелинстрой» институти Иваново областида қуриладиган объектлари лойиҳасини тайёрлайдиган бўлимнинг бош архитектори Турсун Маҳсумов ва ноқоратупроқ зонада бунёд этиладиган жамоат маркази комплексининг макети акс эттирилган.

• Мактубга жавобан

• Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — йўлчи юлдузимиз

• Лойиҳа устахоналарида

• Қишда — ёз неъматлари

• Чироқ қачон ёнади?

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАМЛАР

• *Қурилиш майдонида*

ИШЧИЛАРГА АТАБ

«Високовольт» массивининг Ж. Обидова кўчасида пешайвонлари шинамгина, муҳташам бино қад кўтарди. У «Ташкентқабель» заводи ишчи ва хизматчиларининг 24 оиласига мўлжалланган.

Ўтган йили 4-трест 43-қурилиш бошқармасининг фидокор қурувчилари завод ишчиларига 24 ва 48 квартирали турар жой биноларини қуриб беришган эди.

Сўнгги пардоз ишлари қизғин кетаётган бу объектни топшириш эса шу йилнинг июнь ойига мўлжалланган эди. Янги уйни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш мақсадида корхона ишчиларидан бир группаси қурувчилар билан ҳамжиҳатликда тер тўкмоқдалар. Уларнинг ягона мақсади бинони март ойида фойдаланишга топшириш-дир.

Р. Мифтахов етакчилигидаги зарбдор бригада қурувчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунниинг бир йиллигигача завод ишчиларининг 15 нафар оиласи учун яна битта турар жой биноси қуриб беришга аҳд қилишди. Юксак мақсадга эришиш йўлидаги меҳнатда Йўлдош Соипов, Фотиҳ Ҳасанов, Толибжон Дадажонов, Лутфулла Назаров, Вячеслав Гришановлар барчага ўрнак кўрсатишмоқда.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

• *Коммунист уйлари*

ЖАНГОВАР ПРОГРАММА АСОСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби пойтахтимизнинг барча коммунистлари, меҳнаткашлари қатори бизнинг корхонамиз коллективини ҳам янги марраларга руҳлантириб юборди. Биз бу Мактубдан беш йилликнинг учинчи йилида конкрет нималарга аҳамият бериш зарурлигини яна бир карра чуқур ҳис этдик. Мактубда самарадорлик учун актив курашиш йўллари очиқ-ойдин белгилаб берилган. Бу Мактуб КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга изчил тадбиқ этишда бизга жанговар программа бўлиб қолади.

Яқиндагина СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигигача беш йиллигимизнинг уч йили планини бажариш ташаббуси корхонамиз цех, участка, сменаларида ҳам кенг қулоч ёйган эди.

Ўнинчи беш йилликнинг асосий шиори бўлган сифат ва самарадорликни ошириш бизнинг коммунистик бурчимиздир. Негаки, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимизнинг равнақи ҳар биримизнинг сифатли ва унумли меҳнат қилишимизга боғлиқ. Биз цехимизда сифатнинг пасайишига мутлақо йўл қўймасликка, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим тадбирлар белгилаб олдик. Хом ашё, материалларнинг ҳар бир граммини, ёқилғи, электр энергиясини тежаб-тергаб сарфлаш, яъни иқтисодий тежамкорликни кучайтириш йўлида кўлгина чора-тадбирларни амалга оширяпмиз. Г. Курилов, В. Вольнов сингари коммунистлар ана шу ватанпарварлик курашида ҳамиша олдинги сафда бормоқдалар. Биз меҳсулотни кўпайтиришнинг ҳаммасини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига оляпмиз ўзимизнинг энг муҳим асосий вазифамиз деб биламиз.

Т. ҚАЮМОВ,
«Компрессор» заводи механика-йиғув цехи токари.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Шаҳримизнинг 1 Май кўчасида Бош почтамтнинг 4-қаватли биноси қурилмоқда. Қурувчилар ҳисқа муддат ичида бинонинг 4 қаватини монтажлашга эришдилар. 11-«Висотстрой» трести 17-қурилиш бошқармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев бошчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари сўнгги қаватни ҳам тез суръатларда бунёд этишяпти.

Юбилей йилини муваффақиятли якунлаган бригада қурувчилари бу йил ошириладиган социалистик мажбурият олиб 1978 йил планини 20 ноябрда бажаришга сўз бердилар. Улар шу кунларда кунлик планни 140 процент қилиб бажаришмоқда.

Н. ҚОДИРОВ.

Газетхон мактайди

АҲОЛИ МАМНУН

Расул ота эндигина нонушта қилиб бўлган эди, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

— Нафақа пулингизни олиб келишди, — деди Алишер бувасини чақирар экан. Эшикдан таниш почтальон кириб келди. Отахон билан саломлаш сўрашган, унга нафақа пулини топшириб кетди.

Киров районидаги 84-алоқа бўлимида қарияларнинг олқишига сазовор бўлаётган бундай алоқачилар кўпчиликни ташкил қилади. 35 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатаётган бу алоқа бўлими коммунистик меҳнат коллективи, деган юксак номга муяссар бўлган. Алоқа бўлими ходимлари ҳар ойда 195 мингга яқин нусхада газета-журналларни ўз вақтида эгаларига етказиб бермоқда. 1,5 минг нафақа олувчилар, 100 дан ортиқ Улуғ Ватан уруши инвалидлари алоқа бўлими ходимларининг беминнат хизматларидан мамнун.

Ш. Жалолов бошлиқ 84-алоқа бўлими хизматчилари бу йил аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш учун курашмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.

...хабар беради

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг деҳқонлари қишнинг ҳозирги кунларида ҳам ҳар куни пойтахтимиз аҳолисига 1200—1300 килограмм бодринг, помидор ва лимон каби саркил ноз-неъматлар жўнатмоқда.

Ўтган қисқа давр ичида савдо тармоқларига, ошхона-ресторанларга 40 тонна бодринг, 50 минг дона лимон, 1500 килограмм пиёз, укроп тортиқ қилинди. Янги йилдан буён 3 минг килограмм помидор жўнатилди.

Ҳозирги кунда теплицаларни айланган киши ғарқ пишиқчиликни кўриб қувонади. Розия Урмонова, Маҳфуза Азимова, Клара Мусаева каби миришкорлар қип-қизил помидорларни пешма-пеш териб, яшикларга саралаб жойлаштирмоқдалар. Бу ерда етиштирилаётган «Меер», «Юбилейний» навли лимонлар ҳам тез орада шаҳримиз аҳолиси дастурхонини тўкин қилади.

И. РУСТАМОВ,
хизматчи.

...танқид қилади

ПАЙСАЛГА СОЛИНЯПТИ

2-Қорақамиш массивининг 3-микрорайонидаги биз истиқомат қилаётган 25, 26, 27 ва 28-уйлар атрофи кеч тушиши билан зим-зиё бўлади-қолади. Коттеж типидаги бу уйларга кўчиб ўтганимизга беш йил бўлаётганига қарамай ҳали бирор марта ҳам бу ердаги ёритгичлар нур сочганини эслолмаймиз.

Аслида бу ёритиш системаси Собир Раҳимов районидаги 36-ЖЭК томонидан чала-чулпа қабул қилиб олинган. Шунча йилдан буён бу ёритгичларни ишлатиш тўғрисида гап бўлаётганига қарамай, ҳеч қандай натижа чиқмаётир. Бу ҳақда ЖЭК бошлиқлари ва район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларига айтавериб чарчадик.

Бу аҳвол қачонгача давом этади? Наҳотки, тайёр ёритгичларни ишлатиш шунчалик қийин бўлса? Ахир бу эътиборсизликдан бўлак нарса эмаску!

Аҳоли номидан:
Р. ИЛҲОМОВ, ишчи.

ҚИММАТБАҲО СОҚОЛ

Қурбонали студент эмасми, соч-соқолни силлиқ қилиб юришни яхши кўради. Кунлардан бирида у Калинин майдонидаги сартарошхонага кирди.

— Келсинлар, келсинлар, — деди сартарош мулойимлик билан.— Қани, соч олдирамизми, соқолми?

— Сочимни текислаб қўйсангиз, — деди Қурбонали креслога ўтириб. Сартарош қайчи-тароқни шақиллатиб ишга киришиб кетди. Зум ўтмай пешбандни ечиб, мулойим табассум қилди.

— Мана, акаси жонидан, қирчиллама йигит бўлиб кетдингиз.

«Қирчиллама йигит» бир сўмлик узатди.

— Яна 20 тийин қўшадилар, — деди сартарош ҳамон ўша мулойим табассум билан. Қурбонали тортишиб ўтиргиси келмади. Яна 20 тийин тўлади-да индамай кетаверди.

Орадан бир ойча ўтди. 5 январь куни Қурбонали яна худди ўша сартарошхонага кириб қолди. Уни яна худди ўша 25 — 30 ёшлардаги сартарош кутиб олди.

— Келсинлар, келсинлар, қани, соч олдирамизми, соқолми?

— Соқолни олиб, мўйловни сал кичрайтирасиз.

Уста устарасини қайраб дарҳол ишга киришиб кетди. 10 минутчада ҳамма ишни боплаб ташлади.

— Во, кўрдингизми! —деди бош бармоғини диккайтириб. — Ўзингиз ҳам мировой йигит бўлиб кетдингиз. Бунақа мўйловга 1 сўм эмас, минг сўм берсангиз ҳам арзийди.

— Мўйлов жонивор ўзимдан ҳам қиммат бўлиб кетди-ку, —деди Қурбонали. Чўнтагини кавлаб 40 тийин чиқариб берди.

— Нима бу?— Устанинг капалаги учиб кетди. — Бутун бошли мўйловга 40 тийин тўлайсанми, номард? Яна 30 тийин чўз.

Бу сафар Қурбонали ҳам қайсарлик қилди.

— Прейскурантда шунақа ёзилганми?

— Мен сенга сув сепганим йўқ. «Шипр» сепдим! Билдингми?— уста жаҳл билан қўлини силтади. — Умрингда мўйловингга «Шипр» септирганмисан? Ана, прейскурантни ўзига ёзиб қўйибди.

Икковлари прейскурантни кўздан кечиришди. Буни қаранг-ки, прейскурантда соқол олиш атир-патири билан қўшиб 30 тийин қилиб белгиланган экан.

— Майли, мен сиз хоҳлагандек 70 тийин бера қоламан, — деди Қурбонали. —Лекин битта шартим бор. Фамилиянгизни айтсангиз.

— Фамилиям йўқ! — деди уста ўдағайлаб.— Қўлингдан келса хоҳлаган жойингдан суриштириб билавер.

Шундай қилиб ТошдУ студенти Қурбонали Тўрақулов Калинин майдонидан Октябрь бозорига тушиш йўлида, тир ёнбошида жойлашган сартарошхонада ишлаётган бу «мулойим» сартарошнинг фамилясини билолмади. Лекин шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарлари унинг фамилиясини билишлари аниқ. Буниси шу ўртоқларга ҳавола.

Ҳамкулаксиз, куясиз

БАДЖАҲЛ ҲАЙДОВЧИ

6 январь куни Иномжон Муҳаммад, Жакбар Чилонзордаги 10-поликлиника олдида таксига ўтиришди. Уларнинг бир дўстига медицина ёрдами кўрсатиш зарур бўлиб қолган эди.

— ТошМИ шаҳарчасига бориб қўйсангиз, — дейишди илтимос қилиб.

Ҳайдовчи Аҳад Рўзиев уларни истар-истамас машинага ўтказди. Умуман бунақа пайтда бир йўла учтўрт кишини олиш кўп таксичилар учун ўлгудек малол келади. Негаки ҳар кишидан алоҳида пул олиш уларга қўндоқда текқан касал. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ҳайдовчи таксини истар-истамас ҳайдаб кетди. Лекин нимагадир айланма йўллардан юраверди.

— Тезроқ борадиган йўлдан юрсак бўларди, — дейишди йўловчилар ранжиб.— Бемор одамга ёрдам кўрсатиш керак.

Ҳайдовчи пинагини бузмай кетаверди..

— Илтимос, йўлдан ҳалеб айланмасак,— дейишди йўловчилар яна.

Ҳайдовчи машинани таққа тўхтатди.

— Қани, туш ҳаммангиз! Ҳали менга ақл ўргатадиган одам онасидан туғилган эмас.

Йўловчилар отанг яхши, онанг яхши қилиб амаллаб манзилга етиб келишди. Счётчик 3 сўм 38 тийинни кўрсатиб турарди. Йўловчилар 4 сўм узатишди. Қарашса ҳайдовчи секингина бурилиб жуфтакни ростлаб қолмоқчи.

— Қайтимни бермайсизми? — деди улардан бири.

— Қанақа қайтим? — А. Рўзиев кўзини олайтирди. — Севларга хизмат қилган одамнинг ўзи аҳмоқ! 60 тийин учун пачакилашиб ўтирибсанлар!

Йўловчилар ҳам оёқни қаттиқ тираб туриб олишди. Нима учун таксичи бировнинг ҳақини талаб қилишга уялмаслиги кера-гу, нега энди йўловчи ўзининг ҳақини талаб қилишга уялсин? Йўловчилар жуда тўғри қилишди. Бунга жавобан А. Рўзиев уларни сўка-сўка 50 тийинлик автобус абонементини тутқазди-ю жўнаб қолди.

Тошкент Давлат университетининг студентлари ва аспирантлари билан бўлган бу кўнгилсиз воқеа 6 январь куни кундуз соат 15 ларда рўй берди. Улар 73— 46 ТНЖ номерли машина ҳайдовчиси А. Рўзиевнинг бу қилиғи ҳақида 1-таксопарк раҳбарларига мурожаат қилишимизни сўрашибди. И. Йўлдошев номидан йўлланган бу мактубга 1-таксопарк раҳбарларидан жавоб кутамиз.

ҲУШЁРБЕК.

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

Яқинда фотомухбир Н. Маликов «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб корхона коллективи ҳаётини акс эттирувчи бир нечта фотосуратлар олиб қайтди. Бирлашма меҳнат аҳли ўртасида беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун умумхалқ мусобақаси кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Ушбу фотолавҳада бирлашманинг нотўқима матолар участкаси илғор тўқувчиларидан коммунистик меҳнат зарбдорлари Римма Харитонова билан Зинаида Голубевалар акс этишган. Улар шу кунларда 1979 йилнинг биринчи кварталини ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

• *Луқма*

БЎЗЧИ БЕЛБОҚҚА ЁЛЧИМАС...

Халқимизнинг ана шу нақли тўғри айтилганлигига биз гирт қишоидик. Аис ҳолда электр тармоқлари корхонаси шундай ёнғинамизда бўлса-ю, шам ёруғида ўтирмас эдик.

Яқинда уйга қариндош-уруғлар йигилишди. Уларни очиқ чеҳра, яхши кайфият билан кутиб олдик. Лекин тўғрисини айтганда кечкурун яна ноҳуш аҳвол юз беришини кўз олдимга келтирганимда юрагим ғашланиб қўяр эди. Чунки, ҳар куни кечкурун соат саккизда чироғимиз албатта бир ўчиб қўяди.

Шундай қилиб, янги йилда янги истаклар билдириб, қадаҳлар кўтардик. Ҳаммамизнинг кайфияти чиндан ҳам кўтаринки эди. Лекин юқорида айтилганидек соат саккиз бўлар-бўлмас ҳаммаёқ яна зимистонга айланди. Ҳалиги яхши кайфиятдан асар ҳам қолмади. Нима қилиш керак? Яна район электр тармоқлари корхонасига бориш керакми? Шу пайт қўнғироқшиларнинг галаговур овози эшитилди. Уйга келган меҳмонлар билан бирга кўчага чиқдик.

— Шу ҳам иш бўлди-ю, ҳар куни шу пайтда чироқ ўчиб қолаверса жуда одамнинг асабига тегар экан-да, — деди қўшнилардан бири.

— Электр тармоқлари корхонасидагиларнинг уйида шунақа бўлсин, кўрар эдингиз уларнинг қаерга боришини, — дея маъқуллади унинг сўзини яна бошқаси.

Хуллас, маслаҳат билан район электр тармоқлари корхонасига бордик. Бу ердаги навбатчилар ўта хотиржамлик билан бизни қабул қилишди. Одатдагидек навбатчиларнинг камлиги, машинанинг қаергадир кетганини рўкач қилишди...

Шаҳримизнинг Собир Раҳимов районидаги Беруний проспекти, Сада проездида истиқомат қилувчи аҳоли электр чироқларининг тез-тез ўчиб қолаётганлигидан жуда ҳам қийналмоқда. Биз бу ҳақда Собир Раҳимов район электр тармоқлари корхонаси раҳбарларига айтавериб чарчадик. Балки шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбарлари уларга бирор нарса деб қўйишар. Инсоф билан айтганда район электр тармоқлари корхонаси ўз идорасидан нақи бекат наридаги кўчаларда ва проездларда чироқларнинг нурафшон бўлиб ёниб туришини таъминлаши, одамларнинг асабини қайрамаслиги керак.

А. АБДУҒАНИЕВ,
Октябрь район халқ судининг ижрочиси.

Тошкент оқшомида босилганидан кейин

«СОЯБОНСИЗ БЕКАТ»

Шундай сарлавҳа остида газетанинг ўтган йили 18 ноябрь сонида босилган материалда «Қозогистон» кинотеатри ёнидаги бекатда соябон ва скамейка йўқлиги танқид қилинган эди.

Ободонлаштиркш Бош бошқармаси ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация тростидан олинган жавобда бекатга соябон ўрнатилиб, скамейкалар қўйилгани хабар қилинган.

• *Хат босилмади, аммо чора кўрилди*

ТАРТИБ ЎРНАТИЛДИ

Редакцияга келган хатлардан бирида Киров райпишчеторгига қарашли 44-магазин ва район ошхоналар тармоғидаги 4-ошхона атрофи антисанитария ҳолатида сақланаётгани танқид қилинган эди.

Санитария ва эпидемиология станциясидан олинган жавобда иккала савдо тармоғида, шунингдек Ювусобод массивидаги 40—41-уйларнинг атрофи тартибга келтирилгани маълум қилинади.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

З. ФАЗЛИДДИНОВ: Корхона ва ташкилотларга биринчи марта ишга кираётган кишилар қандай ҳужжатларни тақдим этишлари керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Ишга кираётган кишилардан корхона ёки бошқа ташкилотнинг маъмурияти асосан икки ҳужжат— меҳнат дафтарчаси ва паспорт талаб қилади. Агар шахс ишга биринчи марта кираётган бўлса ундан меҳнат дафтарчаси ўрнига истиқомат қилаётган жойидан справка келтириш талаб этилади. Справкада ана шу шахснинг сўнгги вақтда қандай иш билан шуғулланганлиги (масалан, ўқувчи, уй бекаси ва ҳоказо) кўрсатилиши лозим.

Меҳнат қонунларига биноан кишилар ишга 16 ёшдан қабул қилинадилар, аммо айрим вақтда касаба союзининг розилиги билан кишилар 15 ёшдан ҳам ишга қабул қилиниши мумкин. Махсус ишларга қабул қилинаётган шахслар юқоридагилардан ташқари, ўрта ёки олий ўқув юртини битиргани ҳақидаги ҳужжат (диплом) кўрсатиши керак. Меҳнат дафтарчаси ташкилот маъмуриятига сақлаш учун топширилади ва ходим ишдан бўшаганда унга қайтарилади. Биринчи марта ишга кирган шахсларга янги меҳнат дафтарчаси беш кун ичида тўлдирилиши лозим. Меҳнат дафтарчасига ишчи ёки хизматчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, маълумоти, касби, ишга қабул қилинганлиги, бошқа ишга кўчирилганлиги ёки ишдан бўшатилганлиги, мукофотланганлиги ҳақидаги барча маълумотлар ёзиб борилади. Интизомий жазо чоралари эса меҳнат дафтарчаларига ёзилмайди.

* * *

А. МУСАЕВА: Смолали моддалар, пол мастикаси ва этик мойидан тушган доғларни қандай қилиб кетказса бўлади?

Жавоб: Ипдан ва зиғир толасидан тўқилган газламалардаги доғлар совунлаб ювиб кетказилади ва новшадил спирти ёки сода билан (1 стакан сувга 1 чой қошиқ солинади) артиб тозаланади, қолган из денатурат спирти билан артилади. Ювилмайдиган ип газлама, жунпак газлама ҳамда зиғир толасидан тўқилган газламалардаги доғлар денатурат спирти, скипидар ёки ацетон билан кетказилади. Ўша газламаларга пол мастикасидан ва этик мойидан тушган мойлар бензин билан артиб ёки оғирлик ҳисобида 1 ҳисса бензин, 25 ҳисса денатурат спирти ва 4 ҳисса новшадил спиртидан иборат аралашма билан кетказилади. Оқ газламадаги доғ юқи водород пероксиди билан артилади.

ТУҒИЛИШ

Ҳар қандай санъат даргоҳи, қолаверса музейларнинг ҳам ўзига хос дунёга келиш тарихи бўлади. Ўзбекистон ССР Давлат Санъат музейининг юзага келиши ҳам ниҳоятда мароқли тарихга эга.

Италиянинг таниқли мусаввири А. Ф. Беллоли (1820—1881) бир муддат Францияда, сўнг Россияда ҳам умр кечирди. 1871 йили Петербургда бу ажойиб рассомнинг расмлари кўргазмаси очилди. Кўргазманинг кўркига кўрк, файзига файз қўшиб турган сурат— «Чўмилувчи соҳибжамол» расми эди. Аллақандай ҳадик, тортинчоқлик билан фарогат оғушига — зилол сув қўйнига тушаётган соҳибжамол...

Беллолининг бу нафис суратини Романовлар сотиб олади...

Яна бир манзара: италиялик машҳур ҳайкалтарош Д. А. Белецца (1807—1867) иккита кўркам ҳайкалча яратган. Мармардан ясалган «Ёшлик» ва «Қарилик» дея аталган бу ҳайкалчаларда бир аёл умрининг икки фасли ўз ифодасини топган. Бирида —унинг қизлик чоғи. Унинг ажиб бир тантана билан ёйган ҳолати акс эттирилган. Юзларида ҳам, тўлишган кўксида ҳам, хатти-ҳолатида ҳам бир виқор, ўзига қатъий ишонч барқ уриб турибди. Унинг ҳолатида: «Келажак меники! Бу келажак эса хали олдинда!» деган бир шаъма ҳам йўқ эмасдек туюлади. Энг муҳими, кишини ёшликда кўтарувчи бир ғурур, бир ишонч бўртиб кўзга ташланади.

Иккинчисида... қартайган ҳолати ифода этилган. Олис ҳаёт йўлини босиб ўтган, аччиқ ҳаёт тажрибасини йиққан, ҳаёт ҳақида тўла фикру хулосага эга аёл. Унинг сийраклашган сочларига қиров қўнган. Жуссаси ҳам кичрайган. Бир жиҳатдан бу асарга ҳаётнинг сўнгги ҳукми қаршисида ожиз қолган одам— зот тимсоли, деб қараш мумкин. Ҳаркалай Д. А. Белецца бу иккала асар билан ҳаёт ҳақидаги ўз мулоҳазасини ифода этгандек туюлади.

Мана, яна бир асар. Буни италиялик новмаълум мусаввир XIV асрда яратган. Полотнода она ҳамда эндигина туғилган бола ифодаланган. Остига «Биби Марям боласи билан» дея битиб қўйилган.

Ёки Э. Б. Мурильонинг «Биби Марямни осмон кутади» асари. Унда самовотга кўтарилаётган Биби Марям ифодаланган. Қадимий афсоналар асосида яратилган бу бебаҳо асарлар— князь Константин Николаевич Романов коллекцияси 1918 йили Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг юзага келишига асос бўлди. Дастлаб бу музей ҳозирги В. И. Ленин номидаги Пионерлар саройида ташкил этилди. Кейинчалик...

Кейинчалик Ўзбекистон амалий санъат бўлими юзага келди. Сўнг: Ўзбекистон тасвирий санъати; Қардош республикалар санъати; Ажнабий Шарқ санъати бўлимлари ташкил топди. Булардан ташқари яна олти кўргазма...

«Ўзбекистоннинг қадимий-маданий ёдгорликлари кўргазмаси» дея битилган жойдан ичкари киришингиз билан минг йиллар орқага чекингандай бўласан киши. Довул қоқиб жангга кирган баҳодир аждодлар лип-лип этиб кўз олдингдан ўта бошлайди.

Мана, баҳайбат филни минган овчи қоплонни ўлдирмоқда.

ОЛТИ ОЛАМ БУНДА ЖАМ

Вокзалдан келаверишда «Дизельная» бекатига етмасдан чап ёнда улкан бир иморат бор. Деворлари оч яшил тусдаги шишадан ясалган бу иморат эшикларн пештоқига «Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи» дея битиб қўйилган.

— Бу иморат бизнинг музей учун махсус қурилган,— дейди музейнинг катта илмий ходими М. Аҳмедов. — Зилзиладан сўнг асосий фондимиз Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози маданият саройига кўчирилди ва 1974 йилнинг апрелигача ўша ерда сақланди. Ўша йилнинг апрелида бу иморатга жойлашдик. Мана, ҳозир олтита бўлим ва олтита кўргазма мунтазам ишлаб турибди...

Даставвал музейда иккитагина бўлим бўлган. Бири— Ғарбий Европа санъат бўлими, Иккинчиси—рус санъати бўлими.

Ов манзараси ифодаланган бу қадимий сурат Варахшадан топилган, VII—VIII асрга оид ёдгорлик.

Мана, ёвуз девнинг ваҳший юзлари, қонталаш даҳшатли кўзлари. Пешанасида эса яна бир кичик калласи бор. Бу —VII асрга оид ёдгорлик Қувадан топилган.

Мана бу ёқда эса қатор ҳайкалчалар, ҳайкалларнинг қолдиқлари. Эрамиздан аввалги I асрда олдий лойдан ясалган бу ҳайкалчалар Холчаёндан топилган.

Ҳа, чиндан ҳам одамзоднинг бир оёғи ўтмишда бўлади. Оёғини узган замон у ўзлигини унутади.

Холчаён, Варахша, Қувадан топилган ва санъат музейида турган бу обидалар қадим аждодларимизнинг маданий ҳаётидан ҳикоя қилади.

«XVIII—XX аср ганчкорлик санъати асарлари» кўргазмаси хам ранг-баранглиги билан ёдгорликлар кўргазмасидан қолишмайди. Бу ерда Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Марғилон ганчкорларининг ижодларидан намуналар ўрин олган. Академик-ганчкор Бақо Муродовнинг «Намоён» и, Ота Полвонов (1867—1972) яратган, Париж-да Жаҳон халқлари амалий санъат кўргазмаси олтин медали билан тақдирланган асарлар бўлимга файз бағишлаб турибди.

Бўлимдаги бир санъат асари томошабин эътиборини тортади. Унинг яратувчиси номаълум. Номи: «Денгиз манзараси». XIX асрда яратилган бу асарда денгиз, кўрфаздаги кемалар, улардаги ранг-баранг яйловлар, йўловчилар ифода қилинган...

Наққошлик залида эса Ўзбекистон ССР халқ рассоми Қодиржон Ҳайдаров яратган, падгори услубида ишланган кўп қиррали хонтахта ва ўринларга ошириладиган улуғвор ишлар ҳақида ҳикоя қилади.

Кейинги йиллар ичида музейда амалга оширилган эзгу ишлардан бири — «Ажнабий шарқ санъати бўлими»нинг ташкил этилиши бўлди. Бўлимда, асосан Ҳиндистон, Бирма, Япония, Хитой халқлари маданияти ҳақида ҳикоя қилинади. Бу бўлимда бўлганда томошабин ҳиндларнинг Лакшми, Шива ҳудоларининг ҳайкалларини, музика асбобларини-ю, «Кашмир гилами»ни кўриб бу халқнинг маданий турмуши ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга бўлади.

Шунингдек, японларнинг ўзига хос санъати оламидан ҳикоя қилувчи чинни буюмлар, Хотей ҳайкали («Қувонч ҳудоси»), фил суягидан ишланган, халқнинг турмуш тарзини ҳикоя қилувчи (НЭЦКЕ) ҳайкалчалар бўлимнинг файзига файз қўшиб турибди.

Олти бўлим... Музейнинг бу бўлимлари камалакни эслатади. Халқимизнинг ва бошқа кўпгина халқларнинг ўзига хос ранг-баранг маданий ҳаётидан ҳикоя сўзлайди. Улуғ ижодкорларнинг нодир асарларидан тўмошабинни баҳраманд қилади.

ПРОФЕССОРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Янги йилнинг дастлабки кунлари эди. Музей кассири қўлидаги билетни узатаётиб, унинг номерига қаради-ю, қизчага: «Сиз шошилманг!» деди ҳаяжонланиб...

Бир зумдан сўнг музей ходимлари қизалоқни ўраб олишди. Негаки, у миллионинчи томошабин эди!

Музей маъмурияти қизчага экспонатлар каталоги ҳамда қимматбаҳо суратлар тақдим этди. Миллионинчи томошабин музей залларини сайр этиб чиққач, таассуротлар дафтарига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Маза қилиб кўрдим! Катта раҳмат!

Чилонзордаги 103-мактабнинг 1-«Б» синф ўқувчиси Аня ПЕРФИЛОВА».

Аня таассуротларини битган саҳифанинг юқорирогида қуйидаги сўзлар битилган: «Санъат музейи ва унда намойиш этилаётган кўргазмалар мени тўлқинлантириб юборди. Музейни қадимий ёдгорлик хазинаси, санъат олами дейиш мумкин. Инсоният тарихи билан боғлиқ бу ёдгорликлар ўрта Осиё ва Қозоғистон қадимий тарихга, қадимий маданиятга эга бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Ш. МАМЕДОВ,
Ломоносов номидаги Москва Давлат университети профессори, философия фанлари доктори, РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби...»

Профессорнинг тўлқинланганича ҳам бор. Бугунги кунда Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи ўттиз етти мингдан зиёд қимматли экспонатларни намойиш қилмоқдаки, бу инсоният маданиятининг маълум қирраларини ўзида мужассам қилган катта санъат оламини касб этади. Ҳар куни мингдан ортиқ санъат ихлосманди бу олам қучоғида бўлади, асарлардан баҳра олади. Ўзининг қутлуғ олтмиш йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган бу санъат масканида бўлганингда, киши беихтиёр шоирнинг ушбу сатрларини такрорлайди:

Ижод чаманида такрор ва такрор
Ҳайратга тушамиз буюк санъатдан.

Ғ. ҲОТАМОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

БЕЛГРАД. Югославиянинг «Неготино» янги иссиқлик электростанциясида 210 киловатт қувватга эга бўлган биринчи энергоблокни ишга тушириш учун сўнгги тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу эса мамлакатнинг энергетика қувватларини анча кўпайтиришга имкон беради. «Неготино» ТЭЦи Югославия Социалистик Федератив Республикасида Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилаётган саноат объектларидан бири бўлиб, у шу йилнинг ўзидаёқ фойдаланишга топширилади.

Бундай корхоналар эса оз эмас. Бу йил Югославия билан СССР ўртасида иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкамланаётганлигини яққол кўрсатувчи бир қанча корхоналар барпо этилади.

Польшанинг Татра районн қиш кунлари дам олувчилар билан гавжум бўлади. Минглаб полшаликлар бу ерга чанги учиб, дам олиш учун келишади. Мана бу суратдаги осма ҳаво йўли чанғи спорти ишқибозларини қисқа вақт ичида тоғ чўққиларига олиб чиқиб қўяди.

ЦАФ — ТАСС фотоси.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА ЗАРБДОР МЕҲНАТ

ПРАГА. Социалистик Чехословакия меҳнаткашлари республика меҳнаткашларининг 1948 йил февраль ойида реакция кучлари устидан қозонган тарихий галабасининг 30 йиллигини социалистик мусобақани кенг авж олдириш билан кутиб олмоқда. Меҳнаткашларнинг минг-минглаб коллектив юбилей шарафига байрам олди вахтасида туриб ишламоқда.

Прагадаги «ЧКД — Компрессорний» машинасозлик заводи коллективи бу йил маҳсулот ишлаб чиқаришни 22 процент кўпайтириш ва СССР учун экспорт товарларни етказиб бериш планини 1978 йил 7 ноябргача бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

(ТАСС).

ШЛАБЕНДОРФ—ЗЮД КУЧГА ТЎЛМОҚДА

БЕРЛИН. Котбус округидаги Шлабендорф-Зюд қорамтир кўмир разрезининг меҳнатчилари янги йилни дадил иш билан бошладилар. Бу разрез ГДР энергетика ёқилғисининг асосий тури қазиб чиқариладиган энг «ёш» районлардан биридир. Январь ойининг бошидан буён разрез Люббенау ва Фечау иссиқлик электр станциялари учун ҳар куни 46 минг тоннадан кўмир бериб турибди. Бу йил разрез кончилари кўмир қазиб чиқаришни лойиҳадаги қувватига муддатидан илгари етказишга қарор бердилар. Бунинг маъноси шуки, электростанциялар бу ердан ҳар йили 18 миллион тоннага яқин ёқилғи оладиган бўладилар.

БОШ ВАЗИФА

БУХАРЕСТ. Бу ерда Руминия олий санитария кенгаши пленумининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда медицина муассасалари тармоқларининг ўтган йилги иш якунлари ва соғлиқни сақлашни 1981—1985 йилларда ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Мажлис қатнашчилари профилактик тадбирлар программаларига, касб касалликларн ва юқумли касалликларга қарши кураш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан узоқ муддатли планларни ишлаб чиқишга муҳим аҳамият бердилар.

Меҳнаткашларн и г сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш халқ ҳокимиятининг бош вазифаси бўлиб қолди.

ХАЛҚ МАЪҚУЛЛАГАН СИЁСАТ

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия президент сайловининг биринчи босқичи тамом бўлди. 15—16 январда ўтказилган овоз бериш вақтида республика президентини сайловчи вакиллар коллегиясн 300 кишидан иборат составда сайланди. Бир ойдан кейин, 15 февралда парламентда бу коллегия бош министр К. Сорса раислигида Финляндия Республикасининг янги президентини олти йиллик муддатга сайлайди.

Финляндиянинг ҳозирги президенти Урхо Калева Кекконен олти сиёсий партиянинг, шу жумладан Финляндия Компартияси, Социал-демократик партия, Марказ партияси ва бошқа партияларнинг номзодидир.

Бир қанча ўнг партиялар президентликка бошқа тўрт номзодни кўрсатдилар.

Бу ерда эълон қилинган дастлабки маълумотларга қараганда, сайловчиларнинг ғоят кўпчилиги У. К. Кекконен номзодини ёқлаган. 300 сайловчи вакилдан 260 киши У. К. Кекконенни президент лавозимига қайтадан сайлаш тарафдоридир.

Сайлов тамом бўлганидан кейин Бош министр, Финляндия Социал-демократик партиясининг раиси К. Сорса бундай деди: сайлов натижалари Финляндия халқининг мамлакатнинг ҳозирги ташқи сиёсатини актив қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатади. Халқаро муносабатларда «Паасикиви—Кекконен йўли» деб аталган бу сиёсат Совет Иттифоқи билан дўстликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун актив курашга олиб боришдир.

(ТАСС).

РЕПРЕССИЯЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ВАШИНГТОН. Чилидаги фашистлар хунтаси ўз муҳолифларини таъқиб этиш янги кампаниясини авж олдириб юборди. Сантьягодан олинган хабарларга кўра, Пиночет охранкаси тақиқланган Христиан-демократия партиясининг таниқли арбобларидан 12 кишини қамоққа олиб, мамлакатнинг шимолий районларига сургун қилган. Булар орасида собиқ сенатор ва ХДП раисининг ўринбосари Р. Рейес, ХДПнинг собиқ бош секретари Б. Веласко, касаба союзларнинг бир қанча раҳбарлари бор.

«Вашингтон пост» газетасининг ёзишича, хунта қамал ҳолати тўғрисидаги декрет асосида иш кўрмоқда. Бу декрет ҳамон кучини сақлаб қолиб, режимга ёқмаган нишиларни судсиз, терговсиз қамоққа олиш ва сургун қилишга имкон беради.

* * *

РИМ. Яқинда Чилидан сургун қилинган Чили университетининг профессори Э. Веласко Летельер Италияда чиқадиган ҳафталик «Панорама» газетасининг муҳбири билан қилган суҳбатида Чилида ҳамон ўзбошимчалик ва қонунларга хилоф ишлар ҳукм сурмоқда, тинтув ва қамоққа олишлар давом этмоқда, деди. Хунтанинг қамоқхоналари ва қамоқ лагерларида минг-минглаб ватанпарварлар азоб чекмоқдалар. Одамларни қоронғи тунда ушлаб олиб, номаълум томонларга олиб кетмоқдалар. Қамоқдагилар ғоят қаттиқ қийноққа солинмоқда. Хунтанинг бутун мамлакатда ишлаб турган жазо ташкилоти — Миллий информация марказн деб аталмиш марказ агентлари бу ишда айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар.

ТУГАНМАС БОЙЛИК

БУГУН

республика табиат музейида «Ўзбекистоннинг тоғли ландшафтлари» деган янги бўлим очилди. Унда жонажон ўлкамизнинг тоғ ёнбағирлари, Қизилқум саҳроси, адирлар, ўтлоқли ерлар, ёнғоқзорлар, арчазорларнинг диорамаларн қўйилган. Сўлим ва гўзал ҳаётдан кўчириб олингандек жозибали тасвирланган бу диорамаларни республика Маданият министрлигининг «Рассом» комбинатида рассом Александр Стембан бошчилигидаги бригада ишлаган. Янги бўлимнинг тасвирий воситаларини ишлашда, экспонатларни тўплаш ва тайёрлашда музейнинг илмий ходимларидан Л. Булгакова, Т. Ўрмонова, Л. Замостянская-лар самарали меҳнат қилишди.

Бундан бир аср муқаддам рус олимларининг ташаббуси билан очилган бу табиат музейи ўлканинг бойликлари, фан ютуқларини пропаганда қилишда муносиб маданият ўчоғига айланган. Ҳукуматимизнинг «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланган бу музей фондида ҳозирда ярим миллионга яқин экспонат сақланмоқда.

Редактор
С. М КАРОМАТОВ.

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

20 ЯНВАРЬ, 1978 й.

ШАҲРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИ БЎЙЛАБ

НАФОСАТ МАСКАНИДА БИР КУН

АРХИТЕКТУРА ВА ИҚЛИМ

Шаҳримиздаги зонал-эксперимент лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг Душанбе шаҳрида ташкил этилган филиали арзигули ишларни олиб бормоқда. Айниқса Тожикистон пойтахтида осмонўпар биноларнинг лойиҳаларини яратиш ва қуришда яхшигина тажриба орттирилмоқда.

Ўзбекистон Архитекторлар союзида Тошкент институтининг Душанбе филиалидаги типология секторининг раҳбари Георгий Иванович Полторак ўзбек ҳамкасблари билан у ерда олиб борилаётган ишларни ўртоқлашди. Душанбелик архитектор «Кўп қаватли уй-жойларнинг архитектураси ва микро иқлим яратишнинг қулай воситасидир» (Душанбе мавзуида суҳбат ўтказди.

Бу қизиқарли суҳбатни тинглаган Ўзбекистон Архитекторлар союзи уй-жой биноларн архитектураси ва иқлимшунослик архитектураси комиссиясининг аъзолари Душанбеда амалга оширилаётган ишларга муносиб баҳо беришди.

• *Техника тараққиёти йўлида*

КЎРГАЗМА МУКОФОТИ

«Союзбитхим» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги қадоқлаш ва жойлаш ускуналарн тажриба-конструкт о р лик ва технология бюросида ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини яхшилайдиган бир қатор техника воситалари яратилмоқда.

Бюро мутахассислари маиший химиянинг пастасимон маҳсулотларини қадоқлаш-жойлаш автоматини яратдилар. Бу янгилик мамлакат химия саноати министрлигининг корхоналарида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришда қўл келади.

Техника ижодиёти масканида яқинда ташкил этилган тўртта ижодий бригаданинг меҳнати ҳам ана шу янгиликларни яратиш, ихтироларни тадбиқ этишда корхоналар конструкторлари, инженер-технологлари билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Бундай бригаданинг бири ишлаб чиққан «Темп» автомати ўзининг юқори унумли ишлаши билан мутахассисларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Бюронинг техника ижодкорлари бундай автоматларни яратганликлари учун мамлакат Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланишди.

Ҳамкорларга, сизлар учун

НОДИР КУТУБХОНА

Олимлар шаҳарчасидаги Файзулла Хўжаев кўчасида республика Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси биноси қурилмоқда. Илмий ва нодир китоблар хазинасига айлачадиган кутубхона лойиҳаси Москвадаги илмий-тадқиқот институтларининг биноларини лойиҳалаш институтида тайёрланган.

Бу билим масканида мутолаа қилувчилар учун жуда кўп қулайликлар яратилади. Амфитеатр шаклида мажлислар зали, икки ўқиш зали, китоб музейи, маълумотлар зали, ошхона бўлади. Бундан ташқари бу ерда хизмат қиладиган 700 ходим учун ҳам етарли шароит яратилади.

Қурилиш ишларини тезкорлик билан олиб бораётган «Главташкентстрой» 4-трестининг 19 ва 20-бошқармалари азаматлари объектни шу йили фойдаланишга топшириш ниятидалар.

— Қурилишда асосан мармар, мозаика, паркет, қуёш нурини ўтказмайдиган махсус ойна ишлатиляпти, — дейди прораб В. Н. Кабликов. — Қурувчиларимиздан Ю. Шарипов, В. Казанов, Ю. Баранов, Г. Киселев, Е. Гекслар топшириқларини 130—150 процент бажаришмоқда.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
А. ИНОЯТОВ,
студентлар.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ПОЙТАХТЛАРИДА

ОЛМАОТА

Қозоғистон ССРнинг пойтахти Олмаота шаҳри кун сайин чирой очиб, обод бўлиб бормоқда. Тез суръатлар билан бунёд этилаётган муҳташам бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

В. И. Ленин проспектида қад кўтарган 25 қаватли «Қозоғистон» меҳмонхонаси (ўнгдаги сурат) орадан кўп ўтмай дастлабки меҳмонларни қабул қилади.

Олмаоталиклар шаҳарнинг марказида жойлашган 18 панфиловчи номи билан аталадиган маданият ва истироҳат боғида тез-тез бўлиб туришади. Улар она-Ватан учун жанг қилган совет жангчилари номини ҳурмат билан тилга олиб; уларнинг хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишади (пастдаги сурат).

Шаҳарда кўпгина тарихий ва маданий ёдгорликлар бўлиб, улар авайлаб сақланади. Ўтмиш маданияти, урф-одати ҳақида ҳикоя қилувчи Қозоғистон ССР тарихи музейи (ўнгда, пастда) муҳташам гумбазли бинога жойлашган. Музей экспонатлари билан танишган ҳар бир киши, албатта, ўтган аср усталари бунёд этган ана шу гумбазларни ҳам мароқ билан томоша қилади.

Х. Шодиев фотолари.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА ГАИ АХБОРОТИ

Монсей Рафаилович Зефф шахсий «Запорожец» машинасида Луначарское шоссеси бўйлаб борар эди. Тўсатдан орқага қайтиши лозимлигини эслаб қолди. М. Зефф орқадан ёки олдиндан машина келмаётганига ишонч ҳосил қилмай туриб кескин чапга бурила бошлади. Натижада ГАЗ—24 автомашинаси билан тўқнашиб кетди. Ваҳоланки кўча ҳаракати қоидаларининг 88-бандида: «Рельссиз транспорт воситаларининг ҳайдовчилари чорраҳадан бошқа ерда чап томонга бурилаётганда (айланаётганда) қарама-қарши томондан келаётган транспорт воситасига йўл беришлари лозим» деб аниқ ёзиб қўйилган.

Тартибни бузгани учун М. Зефф ҳар икки автомашинани ремонтлан чиқариб беради. Бундан ташқари унинг бундан кейин транспортни бошқариш-бошқармасл н ги Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясининг маъмурий мажлисида кўриб чиқилади.

Ўнни кўриб, бирини танланг!

ҚИШ ФАСЛИ ЎЗ ТАБИАТИГА КЎРА ТАБИИЙ БЎЁҚЛАР КАМЁБ, ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ЛИБОСЛАРИМИЗНИНГ ТУРЛИ РАНГДА БЎЛИШИ АЙНИ МУДДАОДИР. ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Бизнинг кичик эркатойларимиз учун болаларни қувонтирадиган рангда ҳар хил пальтоларни тикиб чиқармоқда. Ана шу янги пальтоларни кийган болаларимиз чиройли ясанишади.

Баҳорнинг илиқ-иссиқ кунлари келиши билан кичик ҳамшаҳарларимизни енгил пальтолар, куртка лар ва комплектлар албатта қувонтиради.

Болаларимиз шўх бўлишганлиги учун ҳам ҳаракатда тор лик қилмайдиган кийимларни ёқтиришади.

Болаларнинг модаси ўзига хос жиддий иш бўлиб, катталарнинг модаси талабларидан қолишмайди. Энг кичик эркатойларимиз — «ясли» ёшидаги фарзандларимизнинг кийиниши ҳам ранг-баранг бўлмоғи лозим. Улар баҳор фаслида киядиган кийимлар умуман содда, лекин улар рангининг ёркин ва майинлиги билан ажралиб туради. Бу кийимларни тикишда ранг-баранг газламаларни ишлатиш, замонавий бурама чокларни тикиш, ҳар хил каштачилик гулларини тушириш, бу кийимларни ранг-баранг қилади ва эркатойларимизнинг бир-бирига ўхшиб қолмаслигида фарқ яратади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОИИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/I да **Анда.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/I да **Келинлар қўзголони**, 21/ да **Саҳро тор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/I да **Она қизим**, 21/I да **Йиллар ўтиб.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/I да **Бадбашара ёхуд Эзоп**, 21/I да **Ун саккиз ёшлигим.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ЯНГИ ПРОГРАММА, «ИККИ СОАТ КУЛГИ»** (19.30).

КИНО

20 ЯНВАРДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Севги синови** (кечқурун).

Севги синови — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18.30, 21.00), «ЧАЙКА», «НУКУС», «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», (кечқурун.)

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ГУНЧА» (17, 20.00), «ТИНЧЛИК» (18.30, 21.00).

21 ЯНВАРДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Севги синови** (кундуз ва кечқурун).

Севги синови — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ЧАЙКА», «НУКУС», «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ГУНЧА» (17, 20.00), «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.00).

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси

«ЁШЛИК»
МАКТАБ – МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10-синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик йигит-қизлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия тўланади.
Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшилади.
Ўқувчилар айни бир вақтда кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

Мактаб-магазинини тамомлаб чиққанлар катта магазинларга ишлаш учун юборилади ва уларга совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимига киришда имтиёзлар берилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). 33-75-48 телефони орқали справкалар олиш мумкин.

ОМОНАТ ҚАССАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ СИЗГА ҲАМ, ДАВЛАТГА ҲАМ ФОЙДАЛИ

Давлат меҳнат омонат кассалари меҳнаткашларга ўз ортиқча маблағларини ишончли равишда сақлаш ва пул ҳисоб-китобларини олиб бориш имкониятини яратади.

Улар меҳнаткашларга шахсий бюджетни бирмунча яхши қуриш, ўз моддий ва маданий-турмуш эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат жамғармаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга ёрдам беради.

Омонат кассаларида аҳоли маблағлари ҳисобига тўпланган омонатлар мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун фойдаланилади.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ БИР НЕЧА ТУРДАГИ ОМОНАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТАЛАБ ҚИЛИНГУНЧА САҚЛАНАДИГАН ОМОНАТЛАР

Бу омонатлар чекланмаган муддатга қабул қилинади. Омонатларни ҳоҳлаган вақтда кўпайтириш ва истаган вақтда унинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш мумкин.

МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР

Бундай омонатлар 6 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади. Омонат муддати 6 ойдан ошмаган вақт ичида омонат кассаларида сақланган жамғармалар муддатли саналади. Муддатли омонатлар бўйича омонатчига юқори миқдорда фойда тўланади.

ШАРТЛИ ОМОНАТЛАР

Бундай омонатлар тошширилаётганда омонатчилар зиммасига маълум шартлар қўйиб қабул қилинади: масалан, омонатчи, ўқув юртини тамомлагандан сўнг, балоғатга етганида берилади ва ҳоказо.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР

Бу хил омонатлар барча бошқа омонатлардан фарқланади. Яъни омонатга чиққан фойда омонатчига ютуқ формасида тўланади. Ютуқлар тиражи йилда икки марта — апрель ва октябрь ойларида ўтказилади.

Тиражда 1000 та счётдан 25 таси ўйнайди. Ютуқнинг ҳажми қўйилган омонатнинг миқдори ва унинг омонат кассада сақланаётган муддатига боғлиқ.

ЖОРИЙ СЧЁТ ОМОНАТЛАРИ

Бундай омонатларни омонатчи омонат кассасига шахсан келмай туриб амалга ошириши мумкин: бунинг учун чек ёзиб беришнинг ўзи кифоя ва пул унда кўрсатилган кимсага тўланади.

Омонат кассаларга қўйилган омонатлар бўйича фойдалар процент ёки ютуқ тариқасида тўланади.

Ҳар бир омонатчи шуни билиши шартки, давлат омонатларнинг сир сақланиши, уларнинг муҳофаза этилиши ва омонатчининг биринчи талаби бўйича омонатнинг бир қисмини ёки ҳаммасини қайтариб беришни гарантиялайди.

Омонат кассалар омонат учун чекланмаган миқдордаги маблағни қабул қилади: омонатчига битта ёки бир нечта счёт очилиши мумкин. Энг кам миқдордаги омонат 5 сўмни ташкил этиши лозим.

Ҳар бир совет граждани ёшидан қатъий назар, омонат кассаларига омонатлар қўйиш ҳуқуқига эга. Омонатларни омонат кассаларда сақлаш вақти чекланмайди. Омонатчи ишонч қоғози билан ўз омонатини бир ёки бир нечта кишига мерос қолдиришга (қонун бўйича улар мероскўр бўлиш бўлмаслигидан қатъий назар), шунингдек, давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларига улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериши мумкин.

ҲАР БИР ОМОНАТЧИ БЕЛГИЛАНГАН ФОЙДАЛАРНИ ПРОЦЕНТЛАР ЁКИ ЮТУҚЛАР ТАРЗИДА ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

ОМОНАТ КАССАСИГА БОРМАЙ ТУРИБ ҲАМ ОМОНАТЧИ БЎЛИШ МУМКИН!

Мамлакатимиздаги миллион-миллион кишилар омонат кассалари хизматидан фойдаланади.

Давлат меҳнат омонат кассалари арзимас доимий взнослар ҳисобига меҳнаткашларга ўз маданий-турмуш ва моддий эҳтиёжларини қондириш учун маблағларини жамғаришга ёрдам бериб келмоқда.

Омонат кассаларига омонатларни бормай туриб ҳам қўйиш мумкин. Бунинг учун ишчи, хизматчи ёки колхозчига ўзи ишлаётган корхона, совхоз ёки колхоз бухгалтериясига меҳнат ҳақидан ёки омонат кассасига қўйилган омонат бўйича келадиган пул даромадларининг маълум қисмини ҳар ойда перечисление йўли билан олиб қолиш ҳақида ариза бериши лозим.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА САҚЛАНГ!
СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

АВТОҲАВАСКОРЛАРГА КАТТА ҚУЛАЙЛИК

«ЧИЛОНЗОР» МАССИВИДА

ЯНГИ «АВТОСЕРВИС» ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

ШАХСИЙ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИ

«АВТОСЕРВИС»

Янги станцияси қуйидаги адресга жойлашган: Тошкент — 700115, ГСП, «Халқлар дўстлиги» проспекти метронинг «Собир Раҳимов» станцияси ёнида. Телефон: 77-82-24.

«АВТОСЕРВИС»ДА «ЗАПОРОЖЕЦ»ДАН ТАШҚАРИ ҚОЛГАН БАРЧА МАРКАДАГИ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ:

— машина эгасининг кўз олдида шошилинч ва майда ремонт ишлари амалга оширилади;
— автомобиллар автоматик равишда ювилади;
— автомобилларга техника хизмати кўрсатилади;
— автомобиллар вулканизация қилинади;
— электр асбоблари зарядланади ва текширувдан ўтказилади.

«АВТОСЕРВИС»нинг техника хизмати кўрсатиш станциясидаги мавжуд 50 постовой замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Бу ерда Тошкент шаҳридаги ҳамма техника хизмати кўрсатиш станцияларидан (СТО) келган энг яхши мутахассислар автоҳаваскорлар ҳожатини чиқаради.

«АВТОСЕРВИС» коллективи шахсий автомобиль эгаларини янги очилган техника хизмати станциясига таклиф қилади.

Автомобилларга хизмат кўрсатиш маданияти ва иш сифати учун кафолатни корхона мутахассислари ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

1-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДАГИ

143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал ошлиғининг бичувчи (ўқиш муддати — 2 йил), **чарм кесувчи** (1 йил), **заготовка тикувчи** (2 йил), **силлиқлаш ишини оажажароладиган пойафзал фрезерчиси** (1 йил), **пойафзал деталларини мустаҳкамлаш ишини оиладиган пойафзал затяжкачиси** (2 йил), **контролёрлар** (2 йил), **слесарь-ремонтчи** (2 йил), **пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчиси** (1 йил).

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият саройи бор. Ундаги туристик, спорт ва ҳаваскорлик тугараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлиб, уч маҳал овқат, кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-Тошкент пойафзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юртига 8— 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан ва соғлиғи ҳақида справкалар, 6 та фотосурат, (3х4 см), ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси, 6-уй, (14, 131, 122, 103-автобуслар, 2, 6, 14, 10-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги «ВОДСТРОЙИНДУСТРИЯ» бирлашмасининг

ИХТИСОСЛАШГАН ЭКСПЕРИМЕНТАЛ РЕМОНТ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИНИНГ МАРКАЗИЙ БАЗАСИГА

4— 6 разрядли токарлар, каруселчи-токарлар, фрезерчилар, қуюв цехи қолипловчилари, стерженчи аёллар, қуюв цехи моделчилари, слесарлар, металл конструкцияларни йиғувчилар, асбоб-ускуналар, электр асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи сантехниклар; газ-электр пайвандчилар, кўтарма ва кўприкли кранларнинг кранчилари, 1—3 класс шоферлари, тракторчилар, бульдозерчилар, автопогрузчик ҳайдовчилари, такелажчи-стропалчилар, кўкаламзорлаштириш бўйича ишчилар

КЕРАК

Онлавий ва ёлғиз нишлар учун ётоқхона мавжуд. Прописка ҳуқуқи берилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент область, Бектемир шаҳри, Лихачёв кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 91-48-07, 91-48-56.

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ» трести

ОЛМАОТА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ УЧАСТКАСИГА

Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Андижон шаҳарларидаги халқ хўжалик қурилишларида лифтларни монтаж қилиш бўйича иш олиб бориш учун 3, 4, 5-разрядли слесарь-электромонтажчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП — 115. «Чилонзор» массиви, 6-квартал. Телефонлар: 78-30-68, 78-30-79.

Қўқон шаҳридаги 3-мактаб томонидан **Эркин Ғафуров** номига берилган 211420 номерли йўлқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

20 ЯНВАРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.50 «Расмларда қуёш акси бор». 19.05 «Ленин ҳузурига, Кремлга». Кўп сериялн телевизион ҳужжатли фильм. 2-учрашув. «Байрам». 20.05 «1977 йил қўшиқлари». Якунловчи концерт (1 январдаги программа такрорланади). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «1977 йил қўшиқлари». Якунловчи концертнинг давоми. 23.45 «Неделя» ҳафталик газетасининг соврини учун футбол бўйича олий лига мастерлар командалари ўртасида Бутуниттифоқ турнир. «Пахтакор»— МАСК. 2-тайм. «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг футбол манежидан олиб кўрсатилади. 00.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Ўзбекистон комсомолининг XXI съезди олдидан. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 18.25 «Замондошимиз билан юзма-юз». 18.55 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Мужгонларинг». Лирик концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Эскирган комедия». М. Горький номли Давлат рус академик драма театрининг спектакли. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Эскирган комедия». М. Горький номли Давлат рус академик драма театрининг спектакли (давоми). 23.25 Телефильм. 23.45 Москва. «Неделя» ҳафтадик газетасининг соврини учун футбол бўйича олий лига мастерлар командалари ўртасида Бутуниттифоқ турнир. «Пахтакор» — МАСК. 2-тайм. «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг футбол манежидан олиб кўрсатилади. 00.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 20.00 Тошкент янгиликлари.

21 ЯНВАРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.25 Тонгги музикали программа. 10.55 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.25 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «Санъат — халқникидир». Ленинград рассомлари юбилей асарларининг кўргазмаси. 11.55 Арфа квартети чалади. 12.10 «Китоб дўкони». 13.05 Шимол Давлат рус халқ хорининг концерти. 13.45 Болалар учун. «Андрейка». Бадиий фильм. 15.10 «Здоровье» илмий-оммабоп программа. Кўрсатувда СССР соғлиқни сақлаш министри, академик Б. В. Петровский иштирок этади. 15.55 «Ботиртой ҳақида эртак». Мультфильм. 16.15 «Мао меросхўрлари». 2-қисм. Кўрсатувни снёсий шарҳловчи А. Каверзнев олиб боради. 17.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Химик» (Воскресенск). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида— «Спортлото» тиражи. Янгиликлар 19.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 20.20 «Мангу даъват». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм премьераси. 11-серия 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Совет композиторларининг асарларидан концерт. 22.55 «Шопениана». Фильм-балет премьераси. 23.25 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.25 «Ота-оналар университети» (рус.). 18.55 «Ленин иши яшайди ва тантана қилади». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Назм ва наво». Нодира лирикаси. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Фортепьяно куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Она қалби». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги раҳбарлиги, коллегияси ва партия комитети министр ўринбосари С. Б. Салаевга укаси

Абдушариф МАДРАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг органлари ва бўлимларининг шахсий состави Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг ўринбосари С. Б. Салаевга укаси

Абдушариф МАДРАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Политехника институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари олий математика кафедрасининг мудири, профессор Я. У. Соатовга отаси, Улуғ Ватан уруши ветерани

Учқун СОАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 БЕТ. **Тошкент** ОҚШОМИ

20 ЯНВАРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ, 41-УЙ

Р—07427. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1218.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02.58 гача эълонлар бўлими — 33-81-42.